БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ДЕМОКРАТИК ФАОЛИЯТ МОТИВЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАНҚИД ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

И.А.Охунов, Т.Х.Ҳасанов , С.Юлбарсова

Мақолада бошланғич синф ўқувчиларида демократик фаолият мотивларини шакллантиришда танқид тизимидан янгича фойдаланиш технологияси ёритилган.

***Калит сўзлар**: демократия, эҳтиёж, фаолият мотивлари, педагогик танқид, педагогик тизим, педагогик технологиялар*

В данной статье рассматриваются новые технологические формы использования педагогической критики в процессе формирования демократических мотивов деятельности младших школьников

***Ключевые слова**: демократия, потребность, мотивы деятельности, педагогическая критика, педагогическая система, педагогические технологии*

The article contains a description of new attempt to use critics system as new technological forms in the process of motivating democratic activities of the rimery shool children.

***Key words**: democracy, demands, motives of activity, pedagogical criticism, pedagogical system, pedagogical technology*

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий, моддий ишлаб чиқариш жабҳаларига бозор муносабатларининг тизимли равишда изчиллик билан жорий этилиши моҳият-мазмун жиҳатидан инсонпарварлик, демократик умуминсоний қадриятлардан келиб чиқади. Бу саъй-ҳаракатларимиз муваффақиятли амалга оширилса, охир-оқибатда бутун инсоният орзуси – фуқаролик жамияти тантанасига олиб келиши кутилади. Жаҳондаги илғор, ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бу жараёнлар осонлик билан кечмайди ва ҳамма мамлакатлар учун бир хил бўлган андаза ҳам йўқ. Ҳар бир мамлакат бу йўлда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, таълим-тарбиявий муаммоларини ўзига хос ва мос йўллар билан ҳал этади. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ўқув юртларида ташкил этилаётган бутун таълим-тарбиявий жараённи инсонпарварлаштириш, уни демократия қоидаларига мос уюштиришни етакчи вазифалардан бири қилиб қўйган.

Аниқловчи-педагогик тажрибаларимиз кўрсатишича, педагогик кадрлар тайёрлаш ўқув юртларининг ўқув режалари, дарсликлари, ўқув қўлланмалари, шунингдек, умумтаълим мактабларининг ўқув режалари, услубий адабиётларида юқорида зикр этилган вазифаларни амалда бажариш учун қатор услубий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Яхлит педагогик жараённи инсонпарварлаштириш, демократизациялашнинг методологик-назарий, тарбиявий-услубий, тарбиявий-технологик масалалари ишлаб чиқилган ва фойдаланиш учун педагогик кадрларга ҳавола этилган. Аммо методологик-назарий, тарбиявий-услубий, тарбиявий-технологик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, биринчидан, методологик-назарий адабиётларда маъмурий-буйруқбозлик жамияти бунёд этган зўравонлик педагогикаси шахснинг ўзлигини йўқотишга қаратилгани тўғри кўрсатилади. Бироқ бу ҳолатдан чиқиб кетиш йўл-йўриқлари кўрсатилмайди, фақат инсонпарварлик демократиялаштириш педагогикасига ҳамду санолар айтилиб, мактабда яхлит педагогик жараённи инсонпарварлаштиришнинг йўл-йўриқ, технологияларини қидириб топиш ўқувчи (педагогик кадр)нинг ўз зиммасига ҳавола қилинади. Иккинчидан, тарбиявий-услубий адабиётларда тарбия усуллари гуруҳлари уч ёки тўрттага туркумлаштирилиб, охиргиси одатда (кўпинча) ё “Тақдирлаш ва жазолаш”, ё “Педагогик стимуллаштириш” ва ё “Фаолият мотивларини шакллантириш” деб номланади. Кейинги йилларда чоп этилган адабиётларда тақдирлаш усулига кўп эътибор берилиб, унга педагогик жамиятда, муносабатларда, мулоқотларда инсонпарварлик, демократия қоидаларини намоён қилувчи, ифодаловчи восита сифатида қаралмоқда. Жазолаш усули эса, аксинча, зўравонлик, индивид қадр-қимматини ерга урувчи восита сифатида қабул қилинмоқда.

Учинчидан, тарбиявий-технологик адабиётлар маълумотларига кўра, тарбиядаги янги технологиялар тарафдорлари инсонпарварлаштириш, демократизациялашни – ушбу педагогик муаммонинг назарий-услубий томонлари устида бош қотириб ўтирмай – кичик гуруҳларга асосланган “Баҳслашув”, “Муносабат”, “Ташвиқот гуруҳи”, “АЖИЛ”, “Сценарий” ва бошқа шу каби технологик шакллардан фойдаланиб амалга ошириш мумкин деб ҳисобламоқдалар.

Илғор педагогик тажрибани ўрганиш учун олиб борган аниқловчи тажрибаларимиз натижаларига кўра, педагогик стажи ўртача ҳисобда ўн беш йилгача бўлган ўқитувчилар таълим-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш, демократизациялаш учун,

авваламбор, муаллимлар ўз педагогик позициясини, ўқувчиларга муносабатларини ўзгартиришлари зарур, деб ҳисоблайдилар. Педагогик позицияни, ўқувчига муносабатни ўзгартириш учун эса педагогик ниятни тубдан янгилаш кераклигини таъкидлайдилар. “Педагогик ният нима?” деган саволга: ўқувчини севиш, уни бор ҳолича қабул қилиш, баркамол инсон бўлишига ишонч, ўқувчидан яхшиликни кутиш, умид қилиш, умиди оқланмаган тақдирда ҳам хафа бўлиб кетмасдан, ўқувчининг индивидуал имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга ёрдам бериш, деган жавоблар олинди. Суҳбат, интервью, анкета, баҳс-мунозара, тадқиқот усуллари ёрдамида олинган маълумотлардан аён бўлдики, бу ўқитувчилар ўқувчини яхши кўрадигина эмас, балки беғараз севадилар, ўқувчи имкониятларига оптимистик руҳда қарайдилар. Индивид тарбиясида тақдирлаш ва жазолаш усулларидан омихта фойдаланиб, бола шахсини унинг хатти-ҳаракати билан чалкаштирмайдилар. Ҳар қандай вазиятда салбий ҳис-туйғуларга берилмай, муаммога оғир-вазминлик, ҳақиқат ўлчовидан келиб чиқиб муносабатда бўладилар. Кўпроқ тақдирлаш тарбия усулидан фойдаланадилар. Жазолаш усулидан воз кечмай, одатда, унинг руҳлантирувчи танқид, танқид-умид, танқид-ташвишланиш каби шаклларидан фойдаланиб, ўқувчи шахсини камситиб, унда ўз кучига ишончсизлик ҳиссини туғдирмайдилар.

Педагогик иш стажи ўн беш йилдан ортиқ бўлган муаллимларнинг фикрича, таълим тарбия жараёнларини инсонпарварлаштириш, демократизациялаш ишлари ягона педагогик талаб асосида амалга оширилгани маъқул. Бу жараёнларда “ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш ва талабчанлик” қоидасига риоя этиш даркор. Уларнинг назарида, инсонпарварлаштириш, демократизациялаштириш жараёни – бу ўқувчиларнинг кичик гуруҳларга бўлиниб олиб, чексиз равишда, хоҳлаганича инсонпарварлик, демократизациялаштириш нималиги ҳақида баҳслашуви, тортишуви эмас, балки кўпчилик иродасини англаш, унга асосланиб яшашни амалда қўллашдир.

Биз бундай қарашларни танқид қилиш, ким ҳақ ёки ноҳақлигини аниқлашни олдимизга вазифа қилиб қўймаганмиз. Фикримизча, таълим-тарбия жараёнларини инсонпарварлаштириш, демократизициялаштириш – бу кўп қиррали фаолият. Бунда ҳамма тарбия усуллари гуруҳлари, жумладан, жазолаш тарбия гуруҳи усулларидан ҳам омихта фойдаланиш талаб этилади. Фақат жазолаш тарбия усулларини зўравонлик, императив педагогик маънода тушунмасдан, унга ўқувчи иродасини, характерини синдириш, ташаббускорлигини бўғиш, ўз кучига ишончини йўқотиш воситаси сифатида қарамай, балки, буюк педагоглар талқин этганидек, жазони инсонийлаштирилган, демократизациялаштирилган ҳолатда тушуниш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик, инсонпарварлик, демократик, миллий ўзига хос ва мос педагогикаси назариётчиларидан Р.Ишмуҳамедов, М.Юлдашевлар ўзбек миллий, халқ педагогикаси меросидан фойдаланиб, ҳозирги кунда фаолият кўрсатиб турган мактабларимизда қўллашимиз мумкин бўлган жазолаш тарбия усулининг технологик шаклларини ишлаб чиққанлар.

Юқорида мазкур муаллифлар жазо тарбия усулига инсонпарварлик, демократик руҳ бериб, танқиднинг қуйидаги технологик шаклларини тавсия этишган: руҳлантирувчи танқид; танқид – умид; танқид – таққослаш; танқид – мақтов; эгасиз танқид; танқид –ташвишланиш; танқид – қайғуриш; танқид – афсусланиш; танқид – ҳайратланиш; танқид – киноя; танқид – таъна; танқид – ишора; танқид – юмшатиш; танқид – гина; танқид – танбеҳ; танқид – огоҳлантириш; танқид – талаб; танқид – даъват; асосли танқид; танқид – хавфсираш.

Педагогика кафедраси профессор-ўқитувчилари ушбу технологик шаклларни таълим ва тарбия жараёнида ишлаш ва натижаларни аниқлашда таянч тажриба мактабларида педагогик тажрибалар ўтказишди. Педагогик тажрибалар асосида ишлаб чиқилган назарий умумлашмаларимиз ва услубий-технологик тавсиялар педагогика фанидан ўтилаётган маъруза, семинар, амалий машғулотларда апробациядан ўтказилмоқда.

Демак, мактабда таълим-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш, демократизациялаштириш таълим ва тарбиянинг ҳамма мавжуд усулларидан, технологияларидан омихта, педагогик шарт-шароит тақозосидан келиб-чиқиб фойдаланишни тақозо этади. Жумладан, жазо тарбия усулларини ҳам “инсонийлаштириш” ва ўз ўрнида қўллаш тўғри бўлади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008.- 40 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.- 176 б.
3. Ишмуҳамедов Р.Ж., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари ўқитувчилари, тарбиячилари, гуруҳ раҳбарлари учун амалий тавсиялар). – Т.: Истеъдод, 2010.- 141 б.
4. Ишмуҳамедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. – Т.: Ниҳол, 2013.- 180 б.

Андижон давлат университети,
2015 йил 1 майда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. А.Тешабоев)